



# ГЕНДЕРГА ОИД АУДИТНИ ЎТКАЗИШ УСЛУБИЯТИ

НОДИРА БАХОДИРЖАНОВНА ГАИБНАЗАРОВА –  
Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси  
Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир



[www.kasaba.uz](http://www.kasaba.uz)



e-mail: [nbk\\_2007@mail.ru](mailto:nbk_2007@mail.ru), [ngoibnazarova2007@gmail.com](mailto:ngoibnazarova2007@gmail.com)



телефон: +9(98-71) 256-87-65



@nodira2007 (NODIRA Gaibnazarova)




ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ СОЮЗ - TRADE UNIONS



МЕХНАТ МУҲОФАЗАСИ - ОХРАНА ТРУДА



NODIRA GAIBNAZAROVA



# Норматив асослари

- Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияга қўшимча протокол

БМТ Бош Ассамблеясининг 1999 йил 6 октябрдаги 54/4 резолюцияси билан қабул қилинган

- Аёлларга нисбатан камситишнинг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция

БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 18 декабрдаги 34/180 резолюцияси билан қабул қилинган

- Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт

Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган

- Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси

БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 10 декабрдаги 217 А (III) резолюцияси билан қабул қилинган.

- Аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларация

БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 декабрдаги 48/104 резолюцияси билан қабул қилинган

- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт

Бош Ассамблеянинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А (XXI) резолюцияси билан қабул қилинган

- Вена декларацияси ва ҳаракатлар дастури

Инсон ҳуқуқлари бўйича Бутунжаҳон конференциясида, Вена, 1993 йил 25 июнда қабул қилинган

- Пекин декларацияси

1995-йил 4-15-сентябрда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган аёллар ҳолати бўйича 4-Жаҳон конференциясида қабул қилинган.

# Норматив асослари



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ  
ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИҚДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ  
ТЎҒРИСИДА

02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-561-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ  
ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЭРКАКЛАР УЧУН ТЕНГ ҲУҚУҚ ҲАМДА ИМКОНИАТЛАР  
КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ  
ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА  
ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

11.04.2023 йилдаги ЎРҚ-829-сон

# Норматив асослари



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

**ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

05.03.2021 йилдаги ПҚ-5020-сон



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING ҚАРОРИ

**МОДДИЙ ЁРДАМ ВА КЎМАККА МУҲТОЖ ОИЛАЛАРНИ, ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ЁШЛАРНИ ИЖТИМОЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА**

28.04.2021 йилдаги 250-сон



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

**ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАШ, МАҲАЛЛА ВА НУРОНИЙЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

01.03.2022 йилдаги ПФ-81-сон



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ҚАРОРИ

**ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

01.03.2022 йилдаги ПҚ-146-сон



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

**ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

07.03.2022 йилдаги ПФ-87-сон



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING ҚАРОРИ

**ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

31.03.2022 йилдаги 145-сон

# Гендерга оид аудитни ўтказиш ва унинг натижаларини кўриб чиқиш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни,  
02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-562-сон. 8<sup>1</sup>-модда.

Гендерга оид аудит тасдиқланган уч йиллик режага асосан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан давлат органлари ва ташкилотларида жамоатчилик назорати доирасида ўтказилади.

Гендерга оид аудит давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гендерга оид аудитни ўтказиш услубияти асосида ўтказилади.

Гендерга оид аудитни ўтказиш учун тегишли соҳада зарур билимга ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар жамоатчилиги асосида жалб этилиши мумкин.

Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўн иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни бир ой ичида кўриб чиқади. Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.

Гендерга оид аудит натижалари тўғрисидаги ахборот Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

# Асосий тушунчалар




**гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар** — жинсларнинг нотенглигини бартараф этиш, хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳақиқий ёки асос бўладиган тенглигини таъминлаш бўйича аниқ мақсадларга эришиш учун давлат органлари томонидан кўриладиган ҳуқуқий, ташкилий ҳамда институциявий хусусиятга эга чоратадбирлар;

# Асосий тушунчалар




**гендер** — хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати;

# Асосий тушунчалар



гендер  
статистикаси

давлат статистикасининг  
жамият ҳаёти ва фаолиятининг  
барча соҳаларида хотин-қизлар  
ва эркакларнинг ҳолати  
тўғрисида ҳар бир жинс бўйича  
алоҳида кўрсатилган  
маълумотларни ўз ичига олган,  
ҳар хил жинсдаги шахсларнинг  
ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг  
барча соҳаларидаги тегишли  
ҳолатини акс эттирадиган,  
гендер муаммоларини ва  
жамиятдаги муносабатларни  
ёритадиган қисми;



# Асосий тушунчалар




**гендер-ҳуқуқий экспертиза** —  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда  
уларнинг лойиҳаларини хотин-қизлар ва  
эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда  
имкониятлар кафолатларини таъминлаш  
принципларига мувофиқлиги юзасидан  
таҳлил қилиш;

# Асосий тушунчалар



**гендерга оид аудит** — давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда хотин-қизлар ва эркаklar учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш;

# Асосий тушунчалар




**жинс бўйича бевосита камситиш** — жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини тан олмасликка қаратилган ҳар қандай тарзда фарқлаш, истисно этиш ёки чеклаш, шу жумладан оилавий ҳолати, ҳомиладорлиги, оилавий мажбуриятлари тўғрисида камситиш, шунингдек шахвоний шилқимлик қилиш, тенг меҳнат ва малака учун ҳар хил ҳақ тўлаш;

# Асосий тушунчалар



**жинс бўйича билвосита камситиш** — бир жинсдаги шахсларни бошқа жинсдаги шахсларга нисбатан ноқулайроқ ҳолатга тушириб қўядиган вазиятларни, ҳолатларни ёки мезонларни яратиш, шу жумладан гендер тенгсизликни оммавий ахборот воситалари, таълим, маданият орқали тарғиб этиш, муайян жинсдаги шахслар учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган шарт-шароитлар ёхуд талаблар белгилаш;

# Асосий тушунчалар



давлат органлари  
ва ташкилотлари  
томонидан ўз  
фаолиятини, шу  
жумладан кадрлар  
сиёсатини олиб  
боришни хотин-қизлар  
ва эркеклар учун тенг  
ҳуқуқ ҳамда  
имкониятлар  
кафолатлари  
тўғрисидаги  
қонунчиликка мувофиқ  
ташқил этиш.

# Гендерга оид аудитнинг асосий вазифалари



давлат органлари ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбатини ўрганиш;



давлат органлари ва ташкилотлари ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолатини ўрганиш;




хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиш ҳолатини баҳолаш;



Гендер маслаҳат кенгашлари фаолиятини таҳлил қилиш;



хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.



Гендерга оид аудит тасдиқланган уч  
йиллик режага асосан **Ўзбекистон Касаба  
уюшмалари Федерацияси** томонидан  
давлат органлари ва ташкилотларида  
жамоатчилик назорати доирасида  
ўтказилади.

уч  
йиллик  
режага  
асосан

гендерга  
оид аудит

Давлат  
органлари ва  
ташкилот-  
ларида  
жамоатчилик  
назорати  
доирасида  
ўтказилади

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси гендерга оид  
аудитни ўтказиш режасини тайёрлаш жараёнида:



тегишли мутахассислардан иборат таркибда ишчи гуруҳи ташкил қилади;



ижро этилиши ҳолатини ўрганиш назарда тутилаётган хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик нормаларининг таҳлилини ўтказди;



норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиш доирасини ҳамда у билан тартибга солинадиган муносабатларни аниқлайди;



давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатлар, экспертлик ва бошқа хулосаларни, статистик ва бошқа маълумотларни сўраб олади;



қонунчиликнинг ижро этилиши амалиётини ўрганиш учун зарур бўлган бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

# Гендерга оид аудитни ўтказиш режасида:

- саволнома тузиш ва уни юбориш муддатлари;
- ишчи гуруҳ таркиби;
- жойларга чиқишнинг тахминий санаси;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш ўтказиладиган давлат органлари ва ташкилотлари доираси;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш тартиби;
- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши ҳолатини, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш тамомладиган тахминий сана;
- гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар лойиҳаларини тайёрлаш муддатлари;
- гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифларни Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига юбориш муддатлари ва бошқа масалалар белгиланади.

# Гендерга оид аудитни ўтказиш режаси Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан тасдиқланади.

*Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлисининг 2023 йил 21 июлдаги 6-сонли баённомасига 2-ИЛОВА*

## Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудитни ўтказиш бўйича уч йиллик

### РЕЖА

№	Давлат органлари ва ташкилотлари номи	Аудит ўтказиш муддати	Жалб этиладиган мутахассислар таркиби	Аудит натижаларига доир ахборот ва таклифларни тайёрлаш муддатлари	Ахборот ва таклифларни Республика комиссиясига киритиш муддати
1.	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2023 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 январь	2024 йил 15 январь
2.	Транспорт вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил I чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 апрель	2024 йил 15 апрель
3.	Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил II чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 июль	2024 йил 15 июль

## Гендерга оид аудитни ўтказиш режаси Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси томонидан тасдиқланади.

4.	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил III чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2024 йил 10 октябрь	2024 йил 15 октябрь
5.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2024 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 январь	2025 йил 15 январь
6.	Ички ишлар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил I чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 апрель	2025 йил 15 апрель
7.	Мудофаа вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил II чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 июль	2025 йил 15 июль
8.	Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил III чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2025 йил 10 октябрь	2025 йил 15 октябрь
9.	Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қўйи тузилмалари	2025 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2026 йил 10 январь	2026 йил 15 январь
10.	Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,	2026 йил I чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва	2026 йил 10 апрель	2026 йил 15 апрель

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Хотин-қизларнинг жамиятдаги  
ролини ошириш, гендер тенглик  
ва оила масалалари бўйича  
республика комиссияси раиси

 **Т. Нарбаева**

2023 йил 21 июль

**Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик  
ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлисининг  
6-сонли БА Ё Н Н О М А С И**

2023 йил 21 июль

Тошкент шаҳри

**Раислик қилувчи:** – Т. Нарбаева – Республика комиссияси раиси

**Иштирок  
этувчилар:** – Республика комиссияси аъзолари (рўйхат  
бўйича)

**КУН ТАРТИБИ:**

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ва ҳамкор  
ташкилотлар иштирокида давлат органлари ва ташкилотларида  
жамоатчилик назорати доирасида гендерга оид аудит ўтказиш ишларини  
ташқил этиш тўғрисида.



*(Т.Нарбаева, К.Рафиков, Ш.Турдукулова, М.Ширшова, О.Партибоева, Т.Нарбаева)*

**Гендерга оид аудитни ўтказиш режаси  
Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини  
ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари  
бўйича республика комиссияси томонидан  
тасдиқланади.**


	унинг тузилмавий ташкилотлари ва қуйи тузилмалари		молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА		
11.	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қуйи тузилмалари	2026 йил II чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2026 йил 10 июль	2026 йил 15 июль
12.	Ташқи ишлар вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари	2026 йил III чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2026 йил 10 октябрь	2026 йил 15 октябрь
13.	Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, унинг тузилмавий ташкилотлари ва қуйи тузилмалари	2026 йил IV чорак	ЎзКУФ, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Адлия, Иқтисодиёт ва молия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси, ННТМА	2027 йил 10 январь	2027 йил 15 январь

## Саволнома тузишдан асосий мақсад:

- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари туғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши ҳолати, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси фаолиятининг йўналишларини;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари туғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатларни;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари туғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши билан боғлиқ бўлган амалдаги ҳолатнинг қонунчилик нормаларига мувофиқлигини;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари туғрисидаги қонунчилик амал қиладиган шахслар доирасини;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари туғрисидаги қонунчилик нормаларини амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини ва бошқаларни аниқлашдан иборат.



Саволномани тузиш ижро этилиши амалиётини ўрганиш режалаштирилган тегишли қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш натижалари асосида амалга оширилади.



Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тузилган саволнома олдиндан тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юборилади.



Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши ҳолатини бевосита ўрганиш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ишчи гуруҳ тузилади.

# Ишчи гуруҳ таркибига

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси марказий аппарати ходими ишчи гуруҳ раҳбари бўлади.

**ишчи гуруҳ аъзоси**

Ўзбекистон  
Касаба  
уюшмалари  
Федерацияси  
марказий  
аппарати  
ходимлари

гендерга оид  
аудит ўтказиш  
соҳасида зарур  
билимга ва иш  
тажрибасига эга  
бўлган  
мутахассислар

**ишчи гуруҳ аъзоси**

нодавлат  
нотижорат  
ташкilotлари,  
оммавий  
ахборот  
воситалари

**ишчи гуруҳ аъзоси**

илмий  
доираларнинг  
вакиллари ва  
бошқалар  
киритилади.

Давлат органлари ва ташкilotларининг мансабдор шахслари ишчи гуруҳ жўнаб кетадиган сана ҳақида олдиндан хабардор қилинади.

Ишчи гуруҳ раҳбари ишчи гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун иш участкасини белгилаб беради.

бу маълумотлар  
кейинчалик  
якуний ахборотга  
киритилади.

Ишчи гуруҳнинг ҳар  
бир аъзоси ўзи амалга  
оширган ишлар ҳақида  
маълумот тайёрлайди

Ишчи гуруҳ аъзолари ишчи гуруҳ раҳбари билан  
келишган ҳолда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг  
ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги  
қонунчиликнинг ижро этилиши ҳолати  
ўрганиладиган давлат органи ёки ташкилоти  
мансабдор шахсларидан зарур материаллар ва  
ҳужжатларни, шунингдек бошқа маълумотларни  
сўраб олишлари мумкин.

Ишчи гуруҳ ўрганилиши керак бўлган масалалар сонига қараб кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин.



Ишчи гуруҳ раҳбари ишчи гуруҳ аъзолари орасидан кичик гуруҳ раҳбарини тайинлайди.

Ҳар бир кичик гуруҳ ўз ишининг натижалари ҳақида алоҳида маълумотнома тайёрлайди.

Кичик гуруҳлар тайёрлаган маълумотномалар асосида ахборот ва таклифлар тузилади.

# Ишчи гуруҳ ўтказган ўрганиш натижалари тўғрисидаги ахборотда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:



давлат органи ёки ташкилотида хотин-қизлар ва эркеклар сонининг нисбати ҳақида;



давлат органи ёки ташкилоти ўз фаолиятини гендерга доир комплекс ёндашув асосида ташкил этганлиги ҳолати ҳақида;



давлат органи ёки ташкилотида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиш ҳолати ҳақида;



давлат органи ёки ташкилотида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича таклифлар;



бошқа маълумот.

# Ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган умумий ахборот




ишчи гуруҳ раҳбари, ишчи  
гуруҳ аъзолари ва тегишли  
давлат органи ёки ташкилоти  
раҳбарлари томонидан




ИМЗОЛАНАДИ

## Гендерга оид аудитнинг натижаларини кўриб чиқиш


Гендерга оид аудит натижаларига доир ахборот ва таклифлар гендерга оид аудит ўтказилганидан кейин Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига ўн иш кунидан кечиктирмай юборилади.



Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни бир ой ичида кўриб чиқади.



Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси гендерга оид аудит натижаларига доир ахборотни ва таклифларни кўриб чиқиш яқунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни босқичма-босқич жорий этишга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилади.



Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш натижалари кўриб чиқиляётганда



**Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси мажлисига**

**манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари, илмий муассасалар, оммавий ахборот воситалари**

**ва бошқа фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари, олимлар, мутахассислар ва экспертлар таклиф этилади.**

Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар  
кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши  
амалиётини ўрганиш натижаларига доир



## ахборот ва таклифлар кўриб чиқиладиганда

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва  
оила масалалари бўйича республика комиссиясининг мажлисида


ишчи гуруҳ аъзолари ва тегишли ўрганиш ишлари  
олиб борилган давлат органи ёки ташкилоти  
раҳбари ҳозир бўлиши шарт.

*Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш натижаларига доир ахборот ва таклифлар бўйича қабул қилинган Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича **республика комиссиясининг қарори** тегишли давлат органлари ва ташкилотларига у қабул қилинган кундан эътиборан **ўн кун ичида юборилади.***

Ўзбекистон Касаба  
уюшмалари Федерациясининг  
расмий веб-сайтига  
жойлаштирилади.

Гендерга оид аудит  
натижалари  
тўғрисидаги ахборот

*Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясининг қарори **оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши мумкин.***



Услугиятга ўзгартиш ва қўшимчалар  
киритиш, уни ўз кучини йўқотган деб  
топиш Хотин-қизларнинг жамиятдаги  
ролини ошириш, гендер тенглик ва  
оила масалалари бўйича  
республика комиссияси қарори  
асосида амалга оширилади.



# Эътиборингиз учун рахмат!

НОДИРА БАХОДИРЖАНОВНА ГАИБНАЗАРОВА –  
Ўзбекистон касабa уюшмалари Федерацияси  
Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудирини



[www.kasaba.uz](http://www.kasaba.uz)



e-mail: [nbk\\_2007@mail.ru](mailto:nbk_2007@mail.ru), [ngoibnazarova2007@gmail.com](mailto:ngoibnazarova2007@gmail.com)



телефон: +9(98-71) 256-87-65



@nodira2007 (NODIRA Gaibnazarova)



ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ СОЮЗ - TRADE UNIONS



МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ - ОХРАНА ТРУДА



NODIRA GAIBNAZAROVA

NODIRA Gaibnazarova